O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 6-mart • Seshanba • 28 (27.673) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЮҚОРИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ТАСДИҒИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси ҳамон хорижий мамлакатларда кенг шарҳланмоқда.

Жумладан, **«Мицуи и Ко., ЛТД» компанияси ва Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитасининг раиси Нобуо Охаши** фикрига кўра, 2006 йилда эришилган натижалар давлатнинг иқтисодий қудрати юксалиб бораётганидан далолат беради. Унинг айтишича, бундай ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи саноат ишлаб чиқариши тараққиётига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатлардир. «Шуни катта қониқиш билан таъкидлашни истардимки, Президент И.А.Каримов томонидан кўтарилган 2007 йилдаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг қатор устувор йўналишлари хорижий ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди», — деди у.

— Ўзбекистондаги ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Япония эришган юксак иқтисодий кўрсаткичлар даврини эсга солади, — дейди **«Язаки Корпорейшн» компанияси маслаҳатчиси, Суғурта ҳаёти бўйича миллий молия корпорацияси (NLFC) собиқ раиси Мамору Озаки.** — Агар ялпи ички маҳсулот ўсиши ҳар йили 7 фоизга ошиб борса, яқин ўн йил ичида бу кўрсаткич икки бараварга кўпаяди. Ўзбекистон ҳукумати ислоҳотларни рўёбга чиқариш жараёнида нафақат саноатни, балки қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётир. Бугунги кунда ўзбек тадбиркорларига эркин иқтисодий фаолият учун кенг имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Президенти маърузасида кичик ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти ривожининг муҳимлиги алоҳида қайд этилади. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида Япония ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишига ўзимнинг камтарона ҳиссамни қўша олган бир инсон сифатида давлат раҳбарининг бу масалага қаратаётган эътиборини юксак баҳолайман.

— Президент И.А.Каримовнинг маърузаси билан танишиб чиқар эканман, ўз мамлакатининг янада гуллаб-яшнаши ва ўзбек халқининг бахтли келажагини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон раҳбарининг кучли хоҳиши ва зўр интилишини ҳис қилдим, — **деди Сока университети ректори Масами Ваказэ.** — Маърузада бу юксак мақсадларга эришиш, устувор вазифалар кўринишларини шакллантириш йўллари аниқравшан белгилаб қўйилган. Мамлакатингиз эришаётган ажойиб макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиб бориши Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган муваффақиятли иқтисодий сиёсатдан далолат беради.

«2006 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсди, инфляция 6,8 фоизни ташкил этди» сарлавҳали мақола **Бельгиядаги «New Europe» ҳафталик газетаси** саҳифасида босилиб чиқди. Унда 2006 йили Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 2005 йилдагига нисбатан 7,3 фоизга ўсгани қайд этилади. Инфляция ўтган йилдаги 7,8 фоиз кўрсаткичига нисбатан 6,8 фоизга камайди. «Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига инфляция даражасини пасайтириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш юзасидан чора-тадбирларни изчил ҳаётга татбиқ этиш орқали эришилди», деб ёзади нашр.

«New Europe», шунингдек, Ўзбекистон Президентининг маърузасига бағишланган **«Ўзбекистон ҳукумати юқори ўсиш суръатларига эътибор қаратмоқда»** сарлавҳали мақолани ҳам чоп этди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор иқтисодий дастурларини белгилаб берди. Шу ўринда айтиш керакки, иқтисодий ўсиш суръатларини изчил таъминлаш, тизимли ўзгаришлар, модернизациялаш ҳамда солиқ сиёсати эркинлаштирилишини давом эттириш асосий вазифалар ҳисобланади. Ўзбекистон давлати раҳбари очиқ иқтисодиётни ривожлантиришни, жумладан, трансмиллий корпорациялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, меҳнатни ташкил қилиш ва замонавий технологияларни қўллаш, ишлаб чиқариш назорати бошқарувининг замонавий услубларини жорий этишни қўллаб-қувватлайди».

2-бет

❖ **Таълим ва тараққиёт**

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Фарғона азалдан илм-фан, маърифат ўчоғи бўлиб келган. Бу юртдан Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ аждодларимиз етишиб чиққан. Бугунги кун ёшлари ҳам билимга чанқоқлиги билан ажралиб туради.

Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида ҳозирги кунда 372 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 62 нафар профессор-ўқитувчиси таълим беради. Филиалда битта факультет бўлиб, унинг таркибидаги 8 кафедра ёрдамида «Тиббий профилактика иши» йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади.

Тиббиёт илм даргоҳида талабаларнинг чуқур билим олиб, етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. 62 та замонавий компьютернинг 12 таси интернет тармоғига уланган. Талаба ёшлар интернет орқали зарур маълумотларни олиши ва ўрганиши мумкин.



Суратларда: Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали 1-курс талабаси Қундузхон Ҳожиқурбонова; 5-курс талабаси Ҳилолахон Ортиқова; ўқитувчи Маҳбубахон Маматқулова микробиология фани бўйича амалий машғулот олиб бормоқда.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Фоиза АБУННАЖО:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хоним раҳбарлигидаги делегация 28 февраль — 3 март кунлари Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Фоиза Абуннажо хонимни қабул қилди. Унда Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Миср делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбектуризм» миллий компаниялари каби қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.

Ташриф доирасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишларда, жумладан, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Миср Сайёҳлик вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси билан Мисрнинг Технологиялар ва илмий тадқиқотлар академияси ўртасида ҳамкорликка оид дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан Миср Араб Республикасининг Анвар Саодат номидаги Бошқарув санъати академияси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Мисрнинг Миллий ёшлар кенгаши ўртасида эса англашув меморандумлари имзоланди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 6 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	966,64	1 Польша злотийси	420,58
1 Англия фунт стерлинги	2401,99	1 СДР	1872,11
1 Дания кронаси	219,72	1 Туркия лираси	867,97
1 БАА дирхами	338,88	1 Швейцария франки	1024,65
1 АҚШ доллари	1244,23	1 ЕВРО	1635,79
1 Миср фунти	218,67	10 Жанубий Корея вони	13,09
1 Исландия кронаси	18,43	10 Япония иенаси	107,51
1 Канада доллари	1057,12	1 Россия рубли	47,54
1 Хитой юани	160,72	1 Украина гривнаси	246,38
1 Малайзия рингити	354,08		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

АҚШ давлат котиби ёрдамчиси ўринбосарининг ташрифи тўғрисида

2007 йил 28 февраль — 5 март кунлари АҚШ давлат котиби ёрдамчисининг ўринбосари Эвен Файгенбаум амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Юртимизда бўлиши чоғида Э. Файгенбаум Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказди, шунингдек, Самарқандни зиёрат қилди.

«Жаҳон» АА

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ **ЎзХДП вилоят кенгашларида**

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЯНАДА ДАДИЛРОҚ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ЗАРУР, ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ ЎзХДП ЖИЗЗАХ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИДА

— Ўтган йили Жиззах вилоят кенгаши томонидан партиянинг обрўсини ошириш учун электорат манфаати йўлида талай амалий ишлар қилинди, — деди пленум кун тартибидаги масала — «ЎзХДП вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг 2006 йилги фаолияти ва бюджети ижроси ҳамда 2007 йил учун бюджетнинг асосий кўрсаткичлари ҳақида» маъруза қилган ЎзХДП Жиззах вилояти кенгаши раиси Парда Юлдашев.

Ҳисобот даврида бўлиб ўтган пленум ва ижроия ҳайъати йиғилишларида партия ташкилоти ҳаётига доир бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Партиянинг Ғаллаорол, Зарбдор, Дўстлик туман кенгашлари томонидан махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчилари, кам таъминланган оилалар, боқувчисиз қолган болаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди. Йил давомида вилоят партия кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига 141 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, шундан 120 та ариза ижобий ҳал этилди, қолганлари тегишли ташкилотларга ўрганишга юборилди ҳамда вилоят кенгаши томонидан назоратга олинди.

Партия аъзоларини қайта рўйхатга олиш жараёнида партия ташкилотлари сифат жиҳатдан анча мустаҳкамланди. Шу билан бир қаторда Арнасой, Пахтакор, Зафаробод, Янгиобод туман партия кенгашларида партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш, партия билетларини алмаштириш ишлари анча чўзилиб кетди. Айнан шу партия кенгашларида партиявий интизом, аъзолик бадалларини йиғиш, партия марказий нашрларига обунани ташкил қилиш ишларида ҳам сусткашликлар кўзга ташланди.

Булардан қатъи назар, ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида мафкуравий ишларнинг жонланиши кузатилди. Буни якунланган йилда 875 нафар янги аъзонинг партия сафларига қабул қилингани, 2007 йилнинг январь ойида партия аъзолари сони 13268 нафаргa етгани, ташкилотнинг обрўси, мавқеи ошаётганидан ҳам билиш мумкин.

Пленум муҳокамасида қатнашган ЎзХДП Пахтакор, Ғаллаорол, Зарбдор, Бахмал, Дўстлик туман кенгашлари раислари Зуҳра Умурзоқова, Бурҳон Темиров, Алиқобул Ўсканов, Донабой Соатов, Камолиддин Эгамов, меҳнат фахрийси Ўриш Мажидов, вилоят партия кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Шуҳрат Хожиматов, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари Акром Иномовлар томонидан партия вилоят кенгашининг амалий ишларига принципиаллик билан баҳо берилди, «Ижтимоий ҳимоя йил» режалари, партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб, фикр-мулоҳаза билдирилди, таклифлар айтилди.

(Ўз мухбиримиз)

Пленумларда партия ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бажарилишида иштироки ҳамда Ўзбекистон Президенти томонидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 февралдаги мажлисида қўйилган устувор ижтимоий масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалари кўриб чиқилди.

Партия кенгашлари ижроия қўмиталарининг С.Аъзамов ва У.Шойимқулов томонидан қилинган маърузаларида таъкидландики, ортда қолган йилда фаолларимиз ва ташкилотларимиз томонидан аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида анча ишлар қилинди. Хусусан, Жамоатчилик қабулхоналари, партиядан сайланган депутатлар, депутатлик гуруҳлари орқали электоратимиз манфаатлари йўлида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўтган йил давомида Тошкент вилоятидаги партия кенгашларининг 22 та Жамоатчилик қабулхонасига 425 нафар фуқаро мурожаат қилган. Улардан кўпчилиги ижобий ҳал этилди. Чирчиқ шаҳар ва Бўстонлиқ туман кенгашлари асосий эътиборни фуқароларнинг мурожаатларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ва партия маҳаллий кенгашлари раҳбар ходимлари иштирокида кўриб чиқиб, фуқароларга муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат ва бошқа турда кўмак беришга қаратдилар.

2-бет

❖ ЎзХДП вилоят кенгашларида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЯНАДА ДАДИЛРОҚ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ЗАРУР, ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ ЎзХДП ЖИЗЗАХ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳридаги партия кенгашларининг 13 та қабулхонасига эса коммунал тўлов, пенсия ва ижтимоий нафақалар билан боғлиқ мурожаатлар кўпроқ тушган. Уларнинг аксариятини ижобий ҳал этишга ҳаракат қилиняпти. Бу борада депутатлар ва фаол, жонкуяр партия аъзолари, йирик бошланғич ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

ЎзХДПнинг устувор мақсади мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир. Аҳоли муҳтож гуруҳларининг ижтимоий ҳимояси асосан маҳаллаларда амалга оширилади. Демак, тегишли масалаларни ҳал этишда асосий масъулият туман, шаҳар партия кенгашлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич ташкилотлар зиммасига масъулият билан иштирок этиш, партия. Дастуридаги мақсадларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этувчи муҳим бўғинга айланиши лозимлиги пленумларда қайд этилди. Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни партия аъзолари ва электоратига етказиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда кўтарилган айрим жиҳатларни амалга ошириш юзасидан таклифлар жорий йилги иш режасига киритилди. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш дастурий мақсадларимизни бажаришнинг муҳим йўналиши эканлиги таъкидланди. Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятининг таҳлили, жойларда партия мафкурасини тарғиб қилиш ва тушунтириш, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотларининг ишини ривожлантиришга доир вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Пленумларда партия ташкилотларининг фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул

қилинди. Тошкент шаҳар кенгаши пленумида партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулрўх Аъзамова иштирок этди.

Беҳзод ШУКУРОВ

✧✧✧

Суратларда: *Тошкент шаҳар кенгаши пленумидан лавҳалар.*

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

❖ Орамиздаги одамлар

ПАРТИЯДОШИМИЗНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

халқ депутатлари Сардоба туман Кенгаши депутати, ЎзХДП фаоли Файзи Ҳожиматовнинг партия электорати манфаатлари йўлида амалга ошираётган хайрли ишлари хусусида

Одатда инсон учун ҳаётда ўз ўрнини топиб яшамоқ, ўзига насиб этган имкониятлардан фойдаланиб, илму ҳунар, касб-корга эга бўлмоқ, шу касбини умр бўйи ардоқлаб, инсофу диёнати, сабру қаноати, одамийлик фазилатлари билан обрў-эътибор орттирмоқ, яхши ном қолдирмоқ осон эмас. Тан олиб айтишимиз керакки, бундай яшаш, шундай умргузаронлик қилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун ҳам умр йилларини бесамар, беиз ўтказмаётган, амалга ошираётган эзгу ишлари, савобли амаллари билан ўзларидан яхши из, яхши ном қолдириб яшаётган одамларга ҳавасимиз келади, қайсидир маънода улардан ибрат олишга интиламиз.

Файзи Ҳожиматов асли бахмаллик. Болалиги тоғли Чўбор қишлоғининг қирадирларида ўтган.

— Ўсмирлик даврим иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган, — деб эслайди у. — Аҳвол оғир эди. Қорнимиз нонга тўймас, эгнимиз оҳорли кийим кўрмасди. Қишлоқдаги етти йиллик мактабни битирган йилим бир гуруҳ оилалар қатори бизнинг оиламиз ҳам янги ўзлаштирилаётган Мирзачўлдаги «Боёвут» хўжалигига кўчирма қилинди. Ўқишимни Ховос туманидаги 23-мактабда давом эттирдим. Ўша йиллари мутахассис кадрлар етишмас эканми, ҳартугул, туман халқ таълими бўлимидагилар мени ўнинчи синфни тамомлаганимдан сўнг 26-мактабга ўқитувчи этиб тайинлашди. Шундай қилиб, бундан роппа-роса олтмиш икки йил муқаддам муаллимлик фаолиятимни бошлаганман.

Йиллар ўтди. Бу орада ёш, изланувчан ўқитувчи ишдан ажралмаган ҳолда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ўқишга кирди. Олий маълумотли ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, кейинроқ мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлди. Сўнгра уни ҳунар техника билим юртига директорликка тавсия этишди. 1985 йилдан бошлаб эса Файзи Ҳожиматов Сардоба тумани, Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чўбор қишлоғидаги бошланғич таълим мактабида раҳбарлик фаолиятини давом эттирди.

Ташаббускор ва тадбиркор инсон, ҲДП фаоли Файзи Ҳожиматовни ҳамқишлоқлари 2004 йил декабрда 30-Баҳор сайлов округидан туман Кенгашига депутат этиб сайлашди. Энди у жамоат ишларида ҳам фидойилик кўрсата бошлади. Унинг сайъ-ҳаракатлари билан чўл ичкарисидаги бу чекка қишлоққа оқар сув олиб келинди. Замонавий врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Булар партиядошимиз Файзи Ҳожиматовнинг ибратли ишларидан айрим лавҳалар, холос. Орамизда у кишидай фазилатли, яхши одамларнинг борлиги, кўплиги учун ҳам ҳаёт гўзал, яшаш завқли...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЮҚОРИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ТАСДИҒИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Россиянинг **«Мир говорит» газетасида «Президент йил якунларини эълон қилди»** сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузасида ҳал этилмаган муаммоларга эътибор қаратди ва 2007 йилдаги энг муҳим устувор иқтисодий дастурларни белгилаб берди. Иқтисодиётнинг ишончли ва мувозанатлашган ўсишини таъминлаш, реструктуризациялашни изчил давом эттириш, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар жалб этиш ҳисобидан муҳим тармоқларни техникавий ва технологик жиҳатдан янгилаш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини доимий равишда ошириб бориш шулар жумласига киради».

«Ўзбекистон ҳудуд бўйича қўшни, ривожланиш ғояси бўйича ҳам қўшнидир» сарлавҳали мақола Козоғистон Республикасининг нуфузли иқтисодий нашрларидан бири — **«Деловой Казахстан»** газетаси саҳифасида босилиб чиқди. Мақола муаллифлари Президент Ислом Каримов маърузасидаги қуйидаги фикрларга эътибор қаратишади: «миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётгани 2006 йилда эришган асосий натижаларимиздан бири бўлди. Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди. Биргина 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан икки мартадан кўпроқ ортди».

«Деловой Казахстан» газетхонлар эътиборини мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқларга қаратар экан, бугунги кунда республикада 190 минг фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани ва соҳада 1,4 миллион киши меҳнат қилаётганини қайд этади. «Агар 2000 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 21 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоиздан ошиб кетди. Бошқа дон экинлари етиштириш бўйича эса 2000 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, якунланган йилда у 75 фоизга тенг бўлди» — деб ёзади газета.

«2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, халқнинг турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди. Барча соҳада ишловчиларнинг реал иш ҳақи ўтган йили 36 фоизга ўсди. 2007 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 7,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 5 фоиз ўсишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга жалб этиладиган сармоялар ҳажмини эса 25,5 фоизга кўпайтириш белгиланган. Шунингдек, даромад солиғи ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишдаги энг муҳим устувор йўналишлар бизнес, аввало, хусусий тадбиркорлик учун имкон қадар кўпроқ қулай шарт-шароитлар яратиш ва давлатнинг иқтисодиётдаги улушини изчил камайтиришдир», дея қайд этади «Деловой Казахстан».

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ҳолатини таҳлил этиш ва энг муҳим йўналишларини баҳолашни ўз ичига қамраб олган, — деб ёзади **Тожикистоннинг «Азия-плюс» ахборот агентлиги** ўзининг электрон саҳифасида эълон қилган **«Марказий Осиё: Ўзбекистон келажак сари»** сарлавҳали хабарида. Ислом Каримовнинг маърузаси Ўзбекистонда келгусида ҳаракатланиш учун қудратли иқтисодий асос яратилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Президенти алоҳида таъкидлаганидек, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётган 2006 йилда эришган муҳим натижалардан бири бўлди. Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қиммат-баҳо металлар ва турли хомашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан, автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланди».

«Ўзбекистон давлати раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқ меҳнаткашининг дунёқарашини ўзгартириш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик сифатларини фаол намоён этиш, ер ва суғорма сувга нисбатан эҳтиёткорлик ва масъулият билан муносабатда бўлиш лозим. Ўзбекистон Президенти шуни ҳам қайд этдики, хусусийлаштириш ишидаги муносабат ва ёндошувни том маънода ўзгартириш лозим. Кимё, электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати ва бошқа етакчи тармоқларга қарашли корхоналарнинг акцияларини кимошди савдосига қўйиш юзасидан қатъий қадамлар ташлаш лозим», — деб ёзади «Азия плюс».

«Жаҳон» АА

Фоиза АБУННАЖО:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мисрлик меҳмонлар Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументини бориб кўрдилар. Темурийлар тарихи давлат музейининг экспонатлари ҳамда Абул Қосим мадрасасида миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси билан танишдилар.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашишга муяссар бўлдим, — деди Фоиза Абуннажо. — Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг Тошкентда бўлиб ўтган бешинчи мажлисида кўриб чиқилган асосий масалалар хусусида суҳбатлашдик.

Ўзбекистонга ташриф асносида юртингизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар билан танишдик.

Мамлакатларимиз ўртасида айниқса соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётганини таъкидламоқчиман. Биз фармацевтика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, қўшма корхоналар ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқдик. Шунингдек, олий ўқув юртлари ўртасидаги бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалаларини муҳокама қилдик.

Миср ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг турли соҳаларига уни кенг жорий этиш борасида муайян ютуқларни қўлга киритган. Ўзбекистон ҳам бу йўналишда муваффақиятларга эришаётганига гувоҳ бўлдик. Музокараларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш икки томон учун манфаатли эканлиги қайд қилинди.

Ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар ҳам асосан илм-фан ва таълим йўналишидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, сайёҳлик ҳам ҳамкорликнинг устувор соҳаларидан эканлигини инобатга олиб, бу борада имзоланган ҳужжат Ўзбекистон ва Миср манфаатларига тўла мос эканлигини таъкидлаш жоиз.

Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ўзбек заминида етишиб чиққан буюк алломалар Мисрда ўчмас из қолдирганлар. Масалан, Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси сувининг миқёсини ўлчайдиган жиҳоз яратган ва биз ундан ҳозир ҳам фойдаланиб келамиз.

Ўзбекистонга ташриф асносида юртингизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор берилаётганига гувоҳ бўлдик. Истиқлол ва порлоқ истиқбол, эзгу ниятлар рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Айниқса, Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган бетимсол ишлар бизни ҳайратга солди, уни ўрганса ва ҳавас қилса арзийди.

Шу билан бирга, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни қувонтирганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларига берилган муносиб баҳо, буюк аждодларингизга билдирилган юксак эҳтиром ифодасидир.

Қисқаси, сафаримиз самарали бўлди, дейишимиз учун барча асос бор. Ўзаро музокаралар, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли самаралар беришига ишонамиз.

Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2006 йил учун устав фаолиятини амалга оширишнинг молиявий манбалари тўғрисида ҲИСОБОТ

Молиялаштириш турлари	Жами (минг. сўм)
Давлат томонидан молиялаштириш	**492942,0**
шу жумладан:	
Қонунчилик палатаси депутатларининг бўшаб қолган ўринларига сайловларда иштирокини молиялаштириш	3440,0
Бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари	**1140809,9**
шу жумладан:	
партияга аъзолик бадаллари	620898,3
юридик шахсларнинг хайриялари	1440,0
бошқа тушумлар	518471,6
Жами	**1633751,9**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2007 йил учун молиялаштириш манбалари бўйича БЮДЖЕТИ

Молиялаштириш турлари	Жами (минг. сўм)
Давлат томонидан молиялаштириш	**685888,0**
Бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари	1588195,0
шу жумладан:	
партияга аъзолик бадаллари	987715,0
юридик шахсларнинг хайриялари	5000,0
бошқа тушумлар	595480,0
Жами	**2274083,0**

ЭКОЛОГИК ҲАШАР

Барқарор экологик вазиятни таъминлаш мақсадида бир неча йилдан бери республикамизда уч босқичда «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказиб келинмоқда.

Мазкур дастурнинг «Наврўз» байрами ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган биринчи босқичи доирасида умумреспублика экологик ҳашари бўлиб ўтди.

Ҳашарни ўтказиш бўйича республика штабининг берган маълумотларига кўра, ҳашарда 6 миллион киши иштирок этди. Улар иш жойларида саноат ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш ва бошқа профилактик юмушларни амалга оширишди ҳамда атроф-муҳитни тозалаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бажардилар.

Умумреспублика экологик ҳашаридан тушган маблағ **«Ижтимоий ҳимоя йили»** Давлат дастури доирасида ногиронлар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, кўп болали, кам таъминланган оилаларга, ижтимоий объектларга ёрдам кўрсатиш мақсадида юбориладиган «ЭКОСАН» саломатлик поездларини ташкил қилишга ишлатилади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ»

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИНИНГ БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ 16-ЎРТА МАКТАБ ДЕБ ТОПИЛДИ

Республика Президентининг **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»**ги Фармони халқ таълими соҳасида, қоларерса, ўрта мактабларимиз ривожида ўзига хос янги уфқларни очиб берди. Ушбу муҳим ҳужжат — умумтаълим мактаблари қиёфасининг тубдан ўзгариши, ёш авлодга билим бериш жараёнининг сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллашуви, ўқитувчилик ва мураббийлик касби мавқеининг янада ортишида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтган «2006 йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танлови ҳам халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари ўртасидаги бу беллашувда жамоалар — ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, билим масканларининг ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси, лаборатория ускуналари ва дарсликлар билан таъминланиш даражаси, ўқувчиларнинг фан олимпиадаларидаги иштироки, ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг самарали йўлга қўйилганлиги, педагогик жамоа ва ўрта мактаб директорларининг ташаббускорлиги, изланувчанлиги каби кўрсаткичлар бўйича таълим муассасаларида эришилган ютуқлар атрофлича таҳлил этилиб, ғолиблар аниқланди.

Мазкур танловда Бекобод шаҳридаги 16-ўрта мактаб жамоаси барча кўрсаткичлар бўйича ғолиб топилиб, мамлакатимизда «2006 йилнинг энг яхши мактаби» деб эътироф этилди. Иккинчи ўринга эса пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 260-ҳамда Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги 5-ўрта мактаблар жамоалари муносиб кўрилди. Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 10-ўрта мактаб, Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 13-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 9-мактаб жамоалари танловда учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Соҳибжон САЛИМОВ

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Президентимизнинг **«Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»**ги Қарорига мувофиқ таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилмоқда. Ўқувчилар эса бу марказларда замонавий ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари)дан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу марказлар ташкил этилиши билан ўқувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Яқинда Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги Агроиқтисодиёт, Саноат ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларининг тақдимотида ана шу хусусда сўз борди. Шунингдек, тақдимотда йиғилганлар ахборот-ресурс марказларида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ёшларимиз интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлашди.

Музаффар ШАРОПОВ

ЛУКОЙЛ
Оверсиз Холдинг ЛТД

«ЛУКОЙЛ»нинг стратегияси газ хомашёси захираларини янада ошириш ва газ бизнесини жадал ривожлантиришга қаратилган. Шу жиҳатдан олганда, газ саноати тарихан ривожланган, тегишли инфратузилма ва малакали кадрларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси «ЛУКОЙЛ» фаолиятининг истиқболли минтақаларидан бири ҳисобланмоқда.

«ЛУКОЙЛ» 2001 йил баҳорида Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаганди. Ўшанда унинг президенти Вагит Алекперовнинг сафари чоғида маҳсулотни тақсимлаш бўйича Келишув (МТК)нинг асосий принциплари ва қоидалари тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Шундан кейин лойиҳанинг техникавий-иқтисодий асоси (ТИА)ни тайёрлаш бўйича машаққатли иш бошлаб юборилди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси билан ТИА ҳамда МТК шартлари юзасидан музокаралар олиб борилди.

«ҲАМКОРЛИГИМИЗ САЛОҲИЯТИ БЕҚИЁС»

— дейди «ЛУКОЙЛ Оверсиз»нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси бошлиғи Андрей ПОДБОЛОТОВ

Ишни жадаллаштириш мақсадида «ЛУКОЙЛ Оверсиз» раҳбарияти 2002 йилда Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда компаниянинг ваколатхонасини очиш юзасидан қарор қабул қилди. 2003 йилнинг январида эса ваколатхона офиси иш бошлади.

Бугунги кунда компаниянинг республикадаги энг салмоқли ютуғи — бу «Қандим — Хаузак — Шоди — Кўнғирот» мегалойиҳасининг муваффақиятли амалга оширилаётганлигидир. Ушбу лойиҳа бўйича МТК 2004 йил июнь ойида Тошкентда Ўзбекистон ва Россия Президентлари иштирокида имзоланган бўлиб, у ўша йилнинг ноябрида кучга кирди. 35 йилга мўлжалланган мазкур Келишув эса 2039 йилгача амал қилади. Унга кўра, маҳсулотни элликка эллик тарзида тақсимлаш мўлжалланмоқда, яъни унинг 50 фоизини давлат олиш ҳуқуқига эгадир.

Лойиҳа «ЛУКОЙЛ Оверсиз» ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясидан иборат Инвесторлар консорциуми томонидан амалга оширилмоқда. Келишув ҳудудидаги табиий газнинг тақсимланган геологик захиралари 329 млрд. куб метрни ташкил этади. Йиллик газ қазиб олишнинг энг юқори даражаси — 11 млрд. куб метрдан ортиқни ташкил этади. (Лойиҳа бўйича бу маррага 2013 йилда эришиш кутилмоқда). Лойиҳа доирасида газ қазиб олишнинг умумий ҳажми эса 207 млрд. куб метрни ташкил этиши мумкин.

Лойиҳада, шунингдек, контракт ҳудудида замонавий газни қайта ишлаш заводини қуриш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 170 дан ортиқ қудуқ қазилади, 1500 километрдан зиёд қувурлар ётқизилади, иккита компрессор станцияси, йиғиш пунктлари, навбатчилар қўрғончаси, юқори вольтли электр узатиш линиялари ҳамда узунлиги салкам 40 километрлик алоҳида темир йўл шохобчаси, автомобиль йўллари ва йўлаклар қурилади. Пировардида, кўплаб янги иш жойлари яратилади, юмушларга эса танлов асосида ўнлаб ҳам хорижий, ҳам Ўзбекистоннинг сервис ва пудратчи ташкилотлари жалб қилинади.

Лойиҳани бевосита амалга ошириш учун Тошкентда «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг» операцион компанияси ташкил этилган. Ҳозир унда 150 дан кўпроқ киши ишлаяпти. Компаниянинг ўз офиси учун шаҳар марказида ер майдони ажратилиб, унинг биносини лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди.

Айни кунларда лойиҳани амалга оширишнинг инвестиция-қурилиш босқичи жадал олиб борилмоқда. МТКга мувофиқ, компания Қандим конлари гуруҳи, Хаузак ва Шоди — Денгизкўл конлари участкалари (Бухоро — Хива нефть газ минтақаси)да ишлаяпти, шунингдек, Кўнғирот қисмида (Устюрт минтақаси, Қорақалпоғистон) геологик-разведка ишларини рўёбга чиқараяпти. Барча участкалардаги ишларнинг ҳар бири ўзига хос геологик ва технологик хусусиятларга эга.

Айниқса, Хаузак ва Шоди қисмларида иш ўта қизғин бормоқда. Зеро, жорий йил охирида МТКга асосан, биринчи саноат гази қазиб чиқарилиши лозим. Иншоотда фойдаланиладиган қудуқларни бурғулаш жараёни ҳам қизғин тус олмоқда. Янгиянги ходимлар жалб қилинаяпти. Қуввати йилига 3 млрд. куб метр бўлган газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси, газни йиғиш пунктлари, навбатчилар қўрғони (ётоқхона ва маъмурий бино), электр узатиш линияси бунёд этилмоқда. 20 километрлик автомобиль йўли (қарийб учдан икки қисми асфальтлашга тахт), газ қувурлари тармоғи ўтказилди, бутазорлар яратилиб, қудуқлар атрофи ободонлаштирилаётир. Хаузақдан Денгизкўл — Муборак магистрал қувурларига уланадиган 45 километрлик қувурлар трассасида эса коммуникациялар йўлагини қуриш ва текислаш бўйича ишларнинг тахминан ярми бажарилди.

Бурғулаш чиқиндиларини муваққат сақлаш ва утилизациялаш полигони ҳамда уни ўраб турувчи 12 та назорат-кузатув қудуғи ва 4 та назорат дарвозасидан иборат шохобча қурилиши якунланди. Шу ўринда полигон ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Гап шундаки, у Ўзбекистон ҳудудидаги шундай турдаги илк иншоот бўлиб, бутун лойиҳанинг асосий экологик иншоотларидан бири ҳисобланади. Полигонда йилига 12 минг тонна бурғулаш шлами қайта ишланади. Бурғулаш чиқиндилари (бурғулаш оқова сувлари ва бурғулаш шламлари)ни алоҳида йиғиш, ташиш ва утилизациялаш, шунингдек, ишлатилган бурғулаш эритмаларини қайта ишлаш ҳамда рециркуляция қилиш амалга оширилади. Ишлов берилган бурғулаш эритмаси ва бурғулаш шламидан иборат аралашмадан кон ичидаги йўлларни қуриш ва таъмирлаш, бурғулаш ускуналари пойдеворларини ётқизиш мақсадида материал ишлаб чиқарилади. Шламнинг бир қисмидан девор ва пардозлаш материали — шлакблокларни тайёрлашда фойдаланилади. Шундай қилиб, Хаузак ва Шоди (кейинчалик Қандим) участкаларини ишлаб чиқиш бўйича концепция амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, ҳам иқтисодиётга, ҳам лойиҳа экологиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Дарвоқе, яна бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Хаузак участкасига биринчилардан бўлиб (икки йил муқаддам) экологлар келишганди. Ўшанда улар томонидан маҳаллий экотизим ва экологик вазият синчиклаб ўрганилган, кенг жамоатчилик жалб этилган ҳолда, атроф-муҳитга техноген таъсири баҳоланиб, у ҳимояланганди. Компания бундан буён ҳам экологик масъулиятни ўз зиммасига олиб, ҳаракат қилаверади.

Маълумки, Қандим конлари гуруҳи салкам қирқ йилдан буён газ қазиб олиш иншооти сифатида мавжуд. Бу ердаги газ таркиби катта миқдордаги водород сульфиди ва аччиқ газдан иборат. Илгари, яъни бошқа конлар ўзлаштирилган пайтда Қандимга кўл урилмаган. Чунки уни ўзлаштириш саноат ва экологик хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этишни тақозо қилар, бу эса анча қимматга тушарди. Ҳолбуки, Қандим энг бой кон бўлиб, бу ердаги газ захиралари йилига 240 млрд. куб метрдан ошади. Лойиҳа шартлари бўйича, юқорида айтилганидек, Қандимда қазиб олинаётган хомашёни қайта ишлаш учун завод бунёд этилади. Заводнинг қуввати жуда улкан — йилига 10 млрд. куб метр атрофида. Жаҳонда бундай заводлар бор-йўғи бир нечтагина бўлиб, унинг ишга туширилиши 2011 йилга мўлжалланган. Ҳозир коннинг геологик модели ишлаб чиқилди, Қандимни ўзлаштиришнинг технологик схемаси тасдиқланди. Фойдаланиладиган қудуқлар эса капитал таъмирдан чиқарилди.

«ЛУКОЙЛ» Кўнғирот ўрамидаги Шеге майдонида ҳам 2 та қидирув қудуғига эга бўлди. Ана шу қудуқлар намуналарининг петрофизик тадқиқоти ўтказилди. 1300 погон километрдан ортиқ 2 D сейсмик қидирув ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ўтган йиллар материаллари қайта ишланиб, қайта изоҳланди. Натижада Шеге структураси бўйича углеводород захиралари ҳисоб-китоб қилиниб, унинг ресурслар базаси кенгайтирилди. Эндиликда эса Кўнғиротда янги қудуқларни ковлаш давом этмоқда. Бу ерда ҳозиргача жами 13 миллион доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди.

Айтгандай, ўтган даврда «Қандим — Хаузак — Шоди — Кўнғирот» лойиҳасига жами 218 миллион долларлик инвестиция киритилди. Бу йил эса яна салкам 300 миллион доллар ажратилиши режалаштирилмоқда. Лойиҳа имзоланган пайтда унинг қиймати қарийб 1 миллиард доллар эди. Бироқ кейинчалик бу миқдорни 2 миллиард долларга етказиш тахмин қилинди. Бунинг учун асослар бор.

Таъкидлаш керакки, ана шу мегалойиҳа «ЛУКОЙЛ»нинг Ўзбекистондаги бутун фаолиятини тўлиқ акс эттирмайди. У ушбу энг йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан бирга, мутлақо янги лойиҳа бўйича ҳам иш бошлади. Шу йил январь ойининг охирида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Иқтисодиёт вазирлиги ва Инвесторлар консорциуми иштирокчилари, шу жумладан, «ЛУКОЙЛ Оверсиз» томонидан тегишли протокол имзолангач, Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмини разведка қилиш ва ишлаб чиқиш бўйича МТК кучга кирди.

Лойиҳа бўйича МТК аслида ўтган йил август ойида Тошкентда имзоланган эди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Petronas Overseas» (Малайзия), «CNPC international» (Хитой) ва «KNOC Aral» (Корея) «ЛУКОЙЛ Оверсиз»нинг шериклари ҳисобланади. Консорциумнинг барча аъзолари лойиҳада тенг улушларга эга. МТК муддати — 35 йил. Лойиҳа оператори Тошкентда ўз офисига эга бўлган «Aral Sea Operating» компаниясидир.

Шу йил январь ойида Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмининг сувли ҳудуди, транзит (ўтиш) зонаси ва соҳилидаги 2D сейсмик қидирув ишлари пудратчисини танлаш юзасидан тендер эълон қилинган эди. Ишнинг умумий ҳажми — 2300 погон километр. Чуқурлиги 40 метргача бўлган денгиз акваторияси, транзит зонаси ва қуруқликдаги ишларнинг ҳажми тахминан тенг. Тендерни шу йил март ойида якунлаш мўлжалланмоқда.

Геологик-қидирув ишлари икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда, яъни уч йил давомида минимал дастур доирасида қиймати 100 миллион доллар атрофида бўлган энг кам молиявий мажбурият бўйича сейсмик разведка олиб борилади, 2 та разведка қудуғи бурғуланади. Биринчи босқич якунига кўра, технологик-иқтисодий асослар ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Шундан сўнг МТКнинг тижорат шартлари келишиб олиниб, иккинчи босқичнинг геологик-қидирув ишлари бошлаб юборилади.

Устюрт минтақасининг бир қисми МТК контракт участкаси бўлиб, бу ерда кейинги йиллар давомида 8 та газ конденсати конлари очилди. Мазкур минтақада олиб борилган геологик изланишлар Орол денгизининг юксак углеводород салоҳиятидан гувоҳлик беради.

Ўрни келганда, «ЛУКОЙЛ»нинг кенг кўламдаги хайрия ва ҳомийлик фаолиятини ҳам таъкидламоқ керак. Унинг ривожига катта туртки бўлган бу тадбир ижтимоий ҳимояга йўналтирилган янгича фалсафа шаклланганлигини кўрсатади.

«ЛУКОЙЛ» томонидан қабул қилинган Ижтимоий кодекс компаниянинг ўзи фаолият юритаётган ҳамма минтақаларда ижтимоий мажбуриятлар бўйича кўнгилли иштирокини назарда тутади. «ЛУКОЙЛ Оверсиз»нинг Ўзбекистондаги фаолияти ушбу тамойилларга тўла мос тушади. Унинг Ўзбекистоннинг нефть-газ саноати фахрийларига, спорт ташкилотларига, тиббиёт марказларига (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Газли шаҳри марказий шифохонаси), «Экосан» халқаро ташкилотига, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрига, Россия маданият марказига ва бошқа бир қатор ижтимоий ҳамда маданий ташкилотларга ёрдам бергани ва ёрдам бераётгани бунинг тасдиғидир.

«ЛУКОЙЛ»нинг 15 йиллиги ва бу компания Ўзбекистонда фаолият бошлаганининг 5 йиллигига бағишлаб кўчма кўргазмалар ташкил этилгани унинг Ўзбекистондаги жуда қизиқарли ва йирик ижтимоий лойиҳаси бўлди. Кўргазмалар 2006 йилнинг 27 ноябрь — 5 декабрь кунлари Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари марказларида («ЛУКОЙЛ Оверсиз» фаолият кўрсатаётган ҳудудларда) бўлиб ўтди. Бу даврда кўргазмаларга 5000 га яқин киши ташриф буюрди. Уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртлари талабалари, лицей, коллеж ва мактабларнинг ўқувчилари эди. Бундан ташқари, минтақалардаги нефть-газ, транспорт ва қурилиш компанияларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари ҳам ана шу тадбирнинг меҳмонлари бўлганлари қувонарлидир.

Кўргазмаларда ўзбек маданиятининг ёрқин юлдузлари иштирок этди. Муваффақиятли якунланган юбилей кўргазмаси Ўзбекистон ва Россия халқларининг ўзаро анъанавий алоқалари чуқурлашиб бораётганлигининг яна бир далили бўлди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиё минтақасида етакчи газ ишлаб чиқарувчи мамлакат, — деди пировардида Андрей Подболотов. — Собиқ Иттифоқнинг газ саноати ўтган асрнинг 50-йилларида айнан шу юртда туғилган эди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон ер қаъридан олинаётган газ ҳажми бўйича МДҲда учинчи ўринни (Россия ва Туркманистондан кейин) эгаллаб турибди. Муҳими, республикада истиқболли ресурс базаси мавжуд. Хусусан, мутахассис-геологлар илгари мутлақо ўзлаштирилмаган ҳудудларда, айтайлик, Орол денгизи шельфи ва ўтиш зонасида, Устюрт ҳамда Сурхондарё вилоятида катта углеводород захиралари топилишига умид боғламоқдалар.

Ҳа, Ўзбекистоннинг газ салоҳияти беқиёс. Шу билан бирга, Россия — Ўзбекистон газ қазиб олувчилари ҳамкорлигининг салоҳияти ҳам беқиёсдир. Бу, табиийки, компаниямизнинг Ўзбекистон Республикасида муваффақиятли ривожланиши учун муҳим кафолат ҳисобланади.

t

❖ **2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»**

ҚИШЛОҚ ДЎКОНИ НАМУНАЛИ БЎЛСА

ХАРИДОР ҲАМ ВАҚТДАН, ҲАМ МАБЛАҒДАН ЮТАДИ

Шаҳрисабз туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кенгаши раиси Шаҳодат Асланованинг хонасига кирганимда у ёши улуғроқ бир момони юпатаётганди. «Момо, уйингизга бораверинг, кўмаклашамиз», — дея у билан хайрлашди-да, менга юзланди. Салом-алик қилиб бўлгач, телефон гўшагини кўтариб, аллақандай рақамлар терди: «...Илтимос, аҳволи оғир экан, шу бугун етказинг, хўпми?» сўранди кимдандир.

— Момо ёлғиз невараси билан тураркан, боқувчиси йўқ, рўзғорда унимиз қолмади, деб келибди, — изоҳ берди у. — Мансур Бобоевдан имкони бўлса кўмак беришларини илтимос қилдим... У кишини биласиз, «Чоршанбе» матлубот ташкилоти раҳбари. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли, яхши, савобли ишлари кўп... Бир танишсангиз бўларди...

Ҳоким ўринбосари таклифи маъқул тушди-ю, «Чоршанбе»га йўл олдим. Қишлоқ қўрғони қир-адирлар бағрида. Шифохона, дорихона, мактаб, савдо дўкони — ҳаммаси бор. Тоққа ўрмалаган катта йўл ёқасидаги «митти маркет» одамлар билан гавжум: биров ун олаяпти, биров ёғ, гуруч... Гўшт-сут маҳсулотлари бисёр.

— Митти маркетимиз «Чоршанбе савдо» масъулияти чекланган жамиятига қарашли, — дейди шу ердаги **Шакартери қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Бердиев.** — Қишлоғимизда 22 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилади. Очиғини айтсам, шу дўконимиз шаҳардаги ўн дўкондан афзал. Рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиш учун 20-25 километр йўл босиб, Шаҳрисабзга чопиш шарт эмас. Бир халта (эллик кило) ун Шаҳрисабз ун корхонаси дарвозасидан 12 минг сўм нарх атрофида чиқади. Айрим «учар»лар уни қишлоқма-қишлоқ юриб, 18-20 минг сўмдан пуллаб кетишаяпти. Биз буни назоратга олдик... «Чоршанбе» матлуботчилари эса атиги 20 фоиз устама қўйиб (навига қараб), 14 минг сўм атрофида сотишаяпти. Гап — қишлоқ савдосини ташкил этишда...

...Ўтган йили вилоятнинг айрим туманлари, ҳатто, Қарши шаҳридаги дўконларда ун камайиб, солиқчилар ўтказган текширишлардан сўнгина маҳсулот етказиб бериш ва сотишда анча камчиликлар аниқлангани эсимга тушди...

Хаёлимни **«Чоршанбе» матлубот МЧЖ раҳбари Мансур Бобоев** билан **Мироқи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мустафо Муҳиддиновнинг** ўзаро суҳбати бузди. Ҳар иккиси ҳам 40-45 ёшлар атрофида. ЎзХДП аъзолари. Узоқ йиллар савдо тизимида ишлаб, тажриба орттирган раҳбарлардан. Суҳбатларига қўшилдим.

— Ҳукуматимиз қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор бериб келмоқда, — гап бошлади Мустафо Муҳиддинов. — Қолаверса, ўзимиз аъзо бўлган партиямиз дастурида ҳам қишлоқ аҳли ҳаётини енгиллаштириш ғоялари бор... Бундан олти-етти йил олдин вилоятимизнинг ўндан ортиқ тоғ ҳудуди қишлоқларини 3-4 ойлаб қор босиб, қатнов тўхтаб қолди. Шароит мушкул бўлишига қарамай, йигирма-йигирма беш минг аҳолига ўшанда ҳам ун, ёғ ва бошқа маҳсулотларни мунтазам етказиб бериш чоралари кўрилган. Ҳозир эса йўллар соз, очиқ бўлса-да ғоҳида таъминотда узилишлар бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

— Нега? — сўрайман. — Ахир, Мироқида алоҳида матлубот жамияти, унинг ўз транспорт воситалари ва тоғ қишлоқларида ўз дўконлари бор-ку...

— Сабаби, — жавоб қилди у, — беш йил бурун вилоят бўйича 6 тагина улгуржи-савдо базаларидан маҳсулот чиқариладиган бўлди. Дўконлар дуч келган одамларга маҳсулотларни паст баҳоларда сотиб юбораверди... Бугун эса Мироқи матлубот жамияти амалда ҳеч қандай фаолият кўрсатмаяпти. У ерда ва ён атрофида эл-юртга мева-чева, сабзавот етиштириб бераётган ўнлаб қишлоқлар аҳли дўконлар хизматига муҳтож...

— Аммо, Мансуржонга ҳавас қиламан, — давом этди у яна. — «Чоршанбе» матлубот жамияти имкониятлари ва дўконларини сақлаб қолди. Савдо эркинлаштирилган ҳозирги пайтда улар бошқа рақобатдошларига устунлик қилишаяпти. Сабаби — савдода фойда олиш ҳамиша бирламчи. Бироқ, қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳамда харид қила олиш қобилиятини ҳисобга олиш ҳам керак-да...

— Қишлоқдаги дўконимиздан ун ёки ёғ харид қилган харидор пулни озроқ кечиктириб тўлашни илтимос қилса, йўқ, деб бўладими? — гапга қўшилди Мансур аканинг ўзи. — Қўлига пул тушиши билан қарзини албатта узади, лафзи ҳалол одамлар. Аммо биз ой сайин 7-8 та дўкондан 8-10 миллион сўмдан кам нақд пул топшираётганимиз йўқ. Ўзимизга етарли айланма маблағимиз бор...

— Иккита масалага ойдинлик киритсангиз, — сўрайман яна. — Биринчиси — маҳсулотни улгуржи савдо базасидан олиш ўнғайми ё биржалардан олиш? Ёки корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш маҳсулотнинг чакана нархига қандай таъсир қилади? Иккинчиси — қишлоқларда харидорлар билан суҳбатлашганда, дўконларда фақат озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётганлигини, уй-рўзғор буюмлари, газмол, уст-бошлар эса камлигини айтишди... Сабаби нима?

— Ҳукуматимизнинг 1994 йил 14 декабрда ва 1995 йил 2 февралда савдони эркинлаштириш ҳақида махсус қарорлари чиққан. Хусусан, Президентимизнинг «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида» (1997 йил 19 декабрда)ги Фармони бошқарув идоралари мустақиллигини ошириш ва рақобатни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Энди истаган киши белгиланган тартибларни бажарган ҳолда савдо фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Аммо, қишлоқда савдони ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, аҳолининг асосий талаби — ун ва ун маҳсулотлари билан савдони олайлик: агар улгуржи базадан харид қилсак, улар 20 фоиз устама қўйишади, бунга биз ҳам 20 фоиз устама қўйиб чиқаришимиз керак бўлади. Бундан кўра, 2-3 фоиз устама билан биржадан харид қилиш қулай... Дўконларда бошқа тур маҳсулотлар сотувини ташкил этишга келсак, унинг учун бизга устамаси оз кредитлар керак. Бунга эса ҳамма банк ҳам рози бўлавермайди. Биз иложини топиб ўзимиз қонун доирасида имкониятлар излашимизга тўғри келади...

— Дарвоқе, ҳоким ўринбосарининг илтимоси нима бўлди? — сўрадим Бобоевдан.

— Шавкан қишлоғидаги боқувчиси йўқ момони айтяпсизми? Ўша куниёқ ун етказиб бердик... Ташкилотимиз кичкина бўлса-да, 15-20 та кам таъминланган оилаларга баҳоли-қудрат ёрдам уюштириб келаяпмиз. Агар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичкинагина бир корхона ҳам қура олсак эди (ниятимиз бор), имконимиз тағин ошарди...

Партиямиз фаоллари билан бўлган суҳбатлардан сўнг хулоса қилдим: қишлоқ дўконлари намунали бўлса, харидор — ҳам вақтини тежаркан, ҳам маблағини...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЭЛЧИХОНА ВАКИЛЛАРИ ЎҒИРЛАНДИ

Эфиопиянинг шимолий-шарқидаги Афар музофотида, аниқроғи, Эритрея билан чегарадаги сахрода, сепаратчилар отрядларининг қаршилик ҳаракати фаоллашган ҳудудда Буюк Британия элчихонасининг 5 нафар вакили ва маҳаллий аҳолидан 13 нафари (улар сайёҳлар учун таржимонлик ва ҳайдовчилик қилишади) номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди.

«AFP» ахборот агентлигининг маълум қилишича, буни Буюк Британия ташқи ишлар вазири Маргарет Беккет ҳам тасдиқлади. Ҳозир уларни қутқариш чоралари кўрилмоқда.

Маълумот учун факт: Эфиопия, Эритрея ва Жибути чегара ҳудудларида жойлашган Афар водийси сепаратчилари ўтган асрнинг 90-йилларидан буён мустақил Афар давлатини тузиш учун Эфиопияга қарши кураш олиб бормоқда. Шуни назарда тутиб, айрим экспертлар элчихона вакиллари сепаратчилар томонидан гаровга олинган бўлиши ҳам мумкин, деган тахминларни илгари суришмоқда.

ЯДРО БОМБАСИНИНГ ЯНГИ ТУРИ ЯРАТИЛАДИ

АҚШ маъмурияти янги водород бомбаси яратишни мўлжаллаб турибди. Аслида бу ишга кучли суперкомпьютер ёрдамида 2006 йилдаёқ киришилган.

Жорж Буш маъмурияти ва АҚШ Энергетика вазирлиги ядро бомбасининг жанговар каллагини тайёрлаш бўйича конструкция ишларини Калифорниядаги Лоуренс номли Ливермор лабораторияси зиммасига юклади. Ушбу иш бўйича ёпиқ тендерда Нью-Мексико штатидаги Лос-Аламос лабораторияси ҳам иштирок этди. Американинг биринчи ядро бомбаси шу ерда яратилган.

«The Los Angeles Times» газетаси хабар беришича, яратилажак мазкур жанговар каллакни еростида синовдан ўтказиш шарт эмас, негаки барча ҳисоб-китоблар юқори аниқликда ишлайдиган суперкомпьютер ёрдамида олиб борилади. Бу янги каллаклар ҳозир амалда бўлган ва анча эскириб қолган сувости жанговар кемаларидаги «Trident» баллистик ракеталари ўрнини эгаллайди.

Ҳозир ушбу дастур бўйича ишлар ўта махфий шароитда олиб борилмоқда. Экспертларнинг фикрича, лойиҳа қиймати ўн миллиардлаб доллар атрофида бўлиши мумкин.

Ҳарбий мутахассислар бу қуролнинг бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратишмоқчи, яъни ядро каллаги шундай яратиладики, уни фақат кўзда тутилган шахсларгина ишга тушира олиши лозим, мабодо, бу қурол террорчилар қўлига тушиб қолгудек бўлса, умуман ишламаслиги керак.

Янги технология тарафдорлари шуни алоҳида таъкидлашмоқдаки, ҳозирги ядро каллаклари деярли эскириб қолди. Улар эртами-кеч, қачондир ўзининг ишончлилик даражасини йўқотиши аниқ.

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Пекинда Хитой халқ сиёсий маслаҳат кенгаши (олий маслаҳат органи) ва Бутунхитой халқ вакиллари йиғини (олий қонунчилик органи) сессиялари бошлангани муносабати билан шаҳарда хавфсизлик чоралари кучайтирилди, дея хабар беради «Новости» ахборот маҳкамаси. Ушбу сессиялар 10-12 кун давом этади.

Шаҳар маъмурияти маълумотларига кўра, пойтахтда хавфсизликни таъминлашга полициядан ташқари 500 мингга яқин кўнгилли жалб этилди. Улар турар-жой бинолари атрофларида ва бошқа жамоат жойларида туну кун навбатчилик қилишмоқда.

Пекин йўл хавфсизлиги бошқармаси хабар беришича, 800 та автобус депутатлар хизматида. Улар хавфсизлигини таъминлаш ҳатто ресторану барларда ҳам жорий этилган, яъни депутатлар учун тайёрланаётган овқатлар сифати текширувдан ўтказилмоқда.

Жамоат хавфсизлиги вазирлиги буйруғига кўра, 20 февралдан эътиборан маст ҳолда машина бошқариш ҳолатларига қарши кураш янада кучайтирилди. Кимки маст ҳолда автомобиль бошқарса, 263 долларга тенг миқдорда молиявий жаримага тортилади ёки 15 кунлик қамоқ жазоси қўлланилади. Шунингдек, шаҳарда ҳаво шарлари ва дирижабларни учириш ҳам вақтинча тақиқланди.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Парагвай президенти Никанор Дуарте Фрутос мамлакатда денге безгагининг янги тури тарқалганлиги муносабати билан 60 кунлик фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Расмий маълумотларга қараганда, ҳозир безгак билан касалланганлар сони 13 минг кишига етган, ўн киши айнан шу офат сабабли ҳаётдан кўз юмган. Бироқ реал ҳаётда беморлар сони бундан ҳам кўп. Негаки, ҳамма ҳам ёрдам сўраб тиббий муассасага мурожаат қилавермайди. Парагвай тиббиёт ассоциацияси ходимлари ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатда безгакка чалинганлар сони 60 мингга яқинлашиб қолган.

Маълумки, денге безгаги тери орқали юқади, яъни чивинлар касаллик тарқатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Зарарли чивин одамни чаққач, 5-6 кун ўтиб, бирдан ҳарорат кўтарилади, бош оғриғи кучаяди, бўғинлар ва мушаклар қақшайди, тошмалар тошади.

Тиббиётчиларнинг маълум қилишларича, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, Парагвайда кенг миқёсда тарқалиб бораётган безгакнинг бу ноодатий тури ички органларни, яъни буйрак, ўпка, мия ва юракка оғир асоратлар бермоқда. Вазият шу даражада оғирки, аньанавий даволашлар ёрдам бермаяпти, антибиотиклар ва вирусга қарши воситаларнинг ҳам самараси бўлмаяпти.



«ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛИШИГА ИШОНАМАН»

ДЕЙИШДИ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Пойтахтимизда юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўтказилган FILAнинг Golden Grand Prix туркумидаги «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнирида ҳамюртларимиз иккита олтин, иккита кумуш ва ўнта бронза медалига сазовор бўлдилар.

Тўрт кун давом этган нуфузли мусобақада сайёрамизнинг йигирмага яқин давлатлари юнон-рум ва эркин кураш усталари ғолиблик учун гиламга чиқди. Дастлабки икки кунда етти вазн тоифасида баҳс юритган юнон-рум курашчилари ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси битта олтин, тўртта бронза медалини қўлга киритганди.

Эркин кураш беллашувлари эса вакилларимиз учун янада муваффақиятли кечди. Биринчи бўлиб, 55 кг. вазн тоифасида майдонга тушган икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров терма жамоамизга олтин медални туҳфа қилди. У ҳал қилувчи баҳсда россиялик Д.Отарасултоновни катта устунлик билан енгиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

— Ҳадемай, Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи мусобақалар бошланади, — дейди Дилшод. — Тошкент турнири ана шу муҳим беллашувлар олдидан имкониятларимизни синовдан ўтказиш учун ўзига хос кўрик вазифасини ўтади. Кузда Озарбайжонда бўладиган жаҳон чемпионати ана шундай мусобақалардан бири саналади. Унда албатта, ғолибликни қўлга киритиб, олимпиада йўлланмасини муддатидан олдин қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнирида мураббийлар кўплаб ёшларга ишонч билдиришди. Улардан Ихтиёр Наврўзов (60 кг.), Олег Газзаев (66 кг.)лар мухлислар меҳрини қозониб, ўз вазн тоифаларида бронза медаллари билан тақдирланди. Ўтган йилги жаҳон чемпионати совриндорлари Сослан Тигиев (74 кг.), Заурбек Сохиев (84 кг.), шунингдек, Абдул Аммаев (84 кг.), Олег Каллагов (96 кг.)лар ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олишди. Барча учрашувларни ўз фойдаларига ҳал қилган Арслон Хуталиев (66 кг.) ҳамда Артур Таймазов (120 кг.)лар учун финал беллашуви муваффақиятсиз якунланди ва кумуш медаль билан кифояланишди.

Олимпия ўйинлари ғолиби ва совриндори, икки карра жаҳон чемпиони Артур Таймазов ҳамда россиялик Курамагомед Курамагомедов ўртасида ўтган финал баҳси барчада катта қизиқиш уйғотди. Бу икки курашчи ўтган йилнинг октябрида Хитойда уюштирилган жаҳон чемпионати финалида ўзаро рўбарў келган ва унда Артур ғалаба қозонганди. Ўша мағлубиятини унутмаган Курамагомед собиқ рақибига қарши жиддий тайёргарлик кўрганлигини намойиш этди. У, гарчи, ҳамюртимизга нисбатан айтарли усул қўллай олмаган бўлса-да, Артурни икки бор партердан чиқариш эвазига очколар ҳисобида ўз муддаосига эришди.

— Юртингизга саккизинчи марта келишим, — дейди АҚШ терма жамоаси бош мураббийи Поль Киеблез. — Ўтган йилги турнирда шогирдларим ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олганди. Аммо бу гал вакилларимиздан омад юз ўгирди. Буни турнирга жаҳоннинг энг сара ва кучли курашчилари ташриф буюрганлиги билан изоҳлаган бўлардим. Шундай юқори савияда мусобақани ташкил этган ҳукуматингиз ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Яқин йиллар ичида Тошкентда жаҳон чемпионати ўтказилишига ишонаман. Чунки, Ўзбекистондаги шарт-шароит, спортга берилаётган катта эътибор бунга замин яратиши шубҳасиз.

Golden Grand Prix туркумидаги анъанавий «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнири якунида эркин ва юнон-рум курашини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси вице-президенти Шомурод Шофайзиев ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, фахрийлар ўртасида уч карра жаҳон чемпиони Александр Истоминлар FILAнинг Олтин ордени билан тақдирланди. Мукофотларни FILA президенти жаноб Рафаэль Мартинетти топширди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН, Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

❖ **Наврўз қўшиқлари**

«ЛОЛА САЙЛИ»

МАРОСИМИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида)

Кўклам келиши билан қир-адирлар, далалар қип-қизил лолаларга бурканади. Бамисоли алвондай жилоланадиган бу манзара гўзалликка ошно бўлган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун ҳам асрлар давомида халқимиз орасида баҳорда лола сайлига чиқиш ўзига хос анъана ҳисобланган.

«Лола сайли» халқимизнинг Наврўз билан алоқадор анъанавий сайлларидан бири бўлиб, кишиларда табиатга муҳаббат ҳиссини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган. Этнограф олима Е.Пешчереванинг маълумотларига қараганда, Фарғона водийсида «Лола сайли» ўзига хос тарзда ўтказилган.

Анъанага кўра, «Лола сайли»ни даставвал «лолачилар» бошлаб беришган. Дала-қирларда лола очилганлигини кўрган болалар тол ёки терак шохини кесиб олиб, уни лола билан безатишган. Улар ана шу «гулчаман»ни кўтариб, қишлоқ кўчалари бўйлаб айланиб юрганлар. «Лолачи»ларни кўрган одамлар бу «гулчаман» шохига рўмолча ёки бирор мато бўлаги боғлаб, дилларидаги орзу-истакларини изҳор этишган. «Лолачи» болалар қишлоқни айланиб чиқишгандан кейин, лола гуллари билан безатилган «гулчаман»ни кўтарганча тоғ ён бағирлари томон йўл олганлар. Улар гуллар билан бурканган дарахт шохини лолазорнинг ўртасига ўрнатиб қўйишган. Шундан сўнг қишлоқ оқсоқоллари «Лола сайли»ни бошлаш учун оқ фотиҳа берганлар.

«Лола сайли» Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида ва ҳатто, Тошкент шаҳрининг атрофларида ҳам ўтказиб келинган. Далаларда қизғалдоқлар барқ уриб қийғос очилган пайтда, қишлоқларнинг аҳолиси баланд тепаликларга йиғилиб, «Лола сайли»ни ўтказишган. Сайилда асосан ёш йигит-қизлар иштирок этишган. Сайил қатнашчилари чилдирма чалиб, ашула айтишган, лапар, ўлан ижрочиларининг беллашувлари бўлиб ўтган. Қизлар шўх оҳанглар оғушида рақсга тушганлар. Айтишларича, Паркент канали бўйидаги тепаликлар азалдан сайилгоҳ вазифасини ўтаб келган. Қиз-жувонлар қип-қизил лолага ўхшашни орзу қилганликлари боис «Лола сайли»га атаб қизил рангли матодан янги қуйлаклар тикиб кийишган.

Йигитлар узоқроқда туриб, қизларнинг ўйин-кулгисини томоша қилиб, уларнинг оромижон қўшиқларини берилиб тинглаганлар. Улар нон орасига солинган қанд-қурс, ширинлик, ҳолва, ёнғоқ, майизни рўмолга тугиб, бирорта ёш болакай орқали суйган қизларига совға сифатида юборишган. Шу зайлда «Лола сайли»да боғланган муҳаббат ришталари мустаҳкамлана бориб, айни пишиқчилик палласида ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилган.

Самарқанд шаҳри яқинида «Лолазор», Тошкент вилоятида «Лолакўл», Ромитан туманида «Лола» каби жой номлари мавжудлиги ҳам бу ерлар қадимда «Лола сайли» ўтказиладиган сайилгоҳ вазифасини ўтаганлигидан далолат беради.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётида «Лола сайли» билан боғлиқ халқ қўшиқлари кўп учрайди. Бундай қўшиқларда лола очилиши одамлар дилига фарах бахш этиши тараннум этилади.

НАВРЎЗ КЕЛДИ, ҲЕЙ ЛОЛА

(Сурхондарёлик фольклор тўпловчи Р.Мустафоқулов ёзиб олган).

Наврўз келди, наврўз-эй, ҳей лола,
Сомса тўла тоғора, ҳей лола,
Карнай-сурнай, ноғора, ҳей лола,
Авжга минсин тобора, ҳей лола.

Қўлимдаги пиёла, ҳей лола,
Безаклари гул-лола, ҳей лола,
Шарбат қуйиб бермасанг, ҳей лола,
Йиғлаб қилади нола, ҳей лола.

Тоғдан оққан шалола, ҳей лола,
Қирғоғи тўла лола, ҳей лола,
Наврўзимнинг гаштини, ҳей лола,
Кимга қилай ҳавола, ҳей лола.

(Давоми бор).

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

❖ **Интер-спорт**

БЕКХЭМ МАЙДОНГА ТУША ОЛМАЙДИ

Англия терма жамоасининг собиқ сардори, Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм чемпионлар лигасининг 1/8 финалида Мюнхеннинг «Бавария»сига қарши ўйинда иштирок эта олмайдиган бўлди. Бу ҳақда «Реал» мураббийи Фабио Капелло маълум қилди.

Сабаби Испания чемпионатининг 25-турида «Хетафе» (1:1) билан ўтган ўйинда Бекхэм кутилмаганда реклама ускуналарига урилиб кетиши оқибатида тиззасидан жароҳатланган.

Бекхэм ҳатто, чемпионатнинг энг қизиқарли ўйинларидан саналаётган «Барселона» билан бўладиган баҳсда ҳам иштирок этмаслиги мумкин экан.

БИР ЙЎЛА ТЎРТТА МЕДАЛЬ

Таниқли бадиий гимнастикачи Алина Кабаева «Гран-при» мусобақасининг Москва босқичида муваффақиятли иштирок этди. «Мен машқларга зўр бериб, фақат ғалабани ўйлайман, — дейди Алина. — Бундай масъулиятли баҳсларда ўзингни қўлга олмасанг бўлмайди».

Кабаева мусобақада тўртта олтин медалли бўлди. Унинг булава, лента, халқа ва арғамчи билан машқлари энг юқори баҳоланди.



❖ **Тақдимот**

САНАГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлигининг 15 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ушбу санага бағишланган почта маркаси ва махсус хотира тамғасини чиқарди.

Почта маркасида Ўзбекистон Республикаси байроғи ва БМТ эмблемаси «1992-2007» ёзувлари билан уйғунликда акс эттирилган. Махсус хотира тамғасида эса Ўзбекистон Республикаси байроғи ва БМТ эмблемаси туширилган лотин алифбосида «O`zbekiston Respublikasining BMTga a`zo bo`lganligining 15 yilligi» сўзлари ёзилган.

«Тошкент почтамти» биносида янги почта маркасининг тақдимоти ва почта махсус хотира тамғаси билан маркаларни ҳисобдан чиқариш тадбири бўлиб ўтди.

Алишер РЎЗИЕВ

Тошкент тиббиёт академияси томонидан Абдураимов Жавлон Абдураззоқович номига берилган №303-002904 рақамли академик маълумотнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

шолининг истиқболли

«Авангард»,
«Лазурный»,
«ЎзРОС 7-13»,
«Искандар»,
«Истиқбол»,
«Истиқлол», соянинг
«Ўзбек-6» сингари

юқори репродукцияли, сертификат билан ҳимояланган навлари уруғларини келишилган нархда, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотади.

Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Авангард қўрғони. Телефон: 351-45-95.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР № 4 НА 2007 ГОД, НА ПРИОБРЕТЕНИЕ ДВУХ СКОРОСТНЫХ ТЕПЛОВОЗОВ.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410.

☎ Телефон: 138-84-72, 138-86-34

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня объявления в средствах массовой информации.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249

14815 nusxada bosildi

1 — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 21.45
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda